

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ -ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM/Т.01.12 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ФАЙЗУЛЛАЕВ ҚАҲРАМОН МАҲМУДЖАНОВИЧ

**3d-ЭЛЕМЕНТЛАР БИЛАН ЛЕГИРЛАНГАН КРЕМНИЙДА
КИРИШМАЛАРНИНГ ЎЗARO ТАЪСИРЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
physical-mathematical sciences**

Файзуллаев Қахрамон Махмуджанович

3d-элементлар билан легирланган кремнийда киришмаларнинг
ўзаро таъсирлашув жараёнлари

3

Файзуллаев Қахрамон Махмуджанович

Процессы межпримесного взаимодействия в кремнии с
примесями 3d-элементов

21

Fayzullaev Kakhramon Makhmudjanovich

Processes of interimpurity interaction in silicon with impurities
of 3d-elements

39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ -ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM/Т.01.12 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ФАЙЗУЛЛАЕВ ҚАХРАМОН МАХМУДЖАНОВИЧ

**3d-ЭЛЕМЕНТЛАР БИЛАН ЛЕГИРЛАНГАН КРЕМНИЙДА
КИРИШМАЛАРНИНГ ЎЗARO ТАЪСИРЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг зарурати ва долзарблиги. Жаҳонда сўнгги йилларда илмий - техник тараққиётнинг юқори суръатлари асосан яримўтказгичли электроника соҳасидаги тадқиқотлар ютуқлари билан таъминланди, бу эса тадқиқотларнинг кейинги йўналиши - яримўтказгич материаллари сифатини яхшилаш, назорат қилинадиган электрофизик хусусиятларга эга монокристалларни яратиш технологияларини ишлаб чиқиш ва улар асосида материалларнинг турли параметрларига ташқи омилларнинг таъсирини аниқлашни белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 19 мартдаги "Таълим сифатини ошириш ва физика соҳасидаги илмий тадқиқотларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5032-сон Қарорида "физика соҳасидаги илмий тадқиқотларни ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқлигини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларидаги муаммоларни ҳал етишга қаратилган илмий ишлар кўламини кенгайтириш; илмий тадқиқотлар ва инновацияларнинг самарадорлиги ва амалий аҳамиятини ошириш..."¹ каби вазифалар белгиланган. Бу соҳада микроэлектроникани ривожлантириш учун юқори сезгир ярим ўтказгичли материалларнинг янги турини яратиш катта илмий аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда яримўтказгичли материаллар ва қурилмаларнинг муҳим хусусиятлари ундаги киришма атомларининг ҳосил қилган чуқур сатхлари орқали аниқланиши маълум. Замонавий яримўтказгичли электроникадаги асосий материал - монокристалл кремнийдаги бир қанча киришмавий элементларнинг хоссалари ўрганилган. Кремнийда ўтувчи элемент киришмаларининг хоссаларини ўрганиш бўйича экспериментал маълумотлар етарли ҳажмда тўпланганига қарамай, кремний кристалл панжарасидаги киришмавий атомлар ҳолатининг ягона модели яратиш бўйича уринишлар ўз самарасини бермади. Бундай ҳолатда кремнийдаги 3d-элементларининг хоссалари деярли тўлиқ ўрганилган, аммо хром (Cr) ва кобальт (Co) атомлари билан легирланган кремнийни хоссалари кам ўрганилган. Хром ва кобальт атомлари хоссаларини тадқиқ қилиш кристалл панжарадаги 3d-элемент киришмаларининг миграция механизмларини аниқлаш ҳамда улар асосидаги қурилмалар ва кристаллар параметрларини бошқариш имконини беради.

Ушбу диссертация тадқиқотлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 мартдаги "Таълим сифатини ошириш ва физика соҳасида илмий тадқиқотларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-5032-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги "Муқобил энергетика, электротехника ва микроэлектроникани ривожлантириш, яримўтказгичлар физикаси соҳасидаги тадқиқотлар самарадорлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги Яримўтказгичлар физикаси ва

¹ Ўзбекистон Республикасининг сонли қарори. ПҚ-5032 йил 19 мартдаги 2021-сонли "Таълим сифатини ошириш ва физика соҳасида илмий тадқиқотларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида".

микроэлектроника илмий-тадқиқот институтини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 639-сон қарорларида кўзда тутилган вазифаларни бажаришга маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республикада фан - техника тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг Ф2 "Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик" ва Ш.«Энергетика, энергоресурс тежамкор-лиги, транспорт, машина ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника ва электрон асбобсозлиги ривожланиши» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чет эллик ва республикамиз олимлари томонидан кремний ва кремний асосида яратилган кўпгина асбобларнинг физика-кимёвий жараёнлар тадқиқ этилган. Жумладан: Яримўтказгичлар физикаси ва наноэлектроника соҳасида таниқли мутахассислар (А.А.Лебедев, В.И.Фистул, E.R. Weber, K. Graff, H. N. Woodbury, W. Ammon, C. Claeys, C.K. Estreicher, H. Pieper, H. Nakashima) томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш натижасида яримўтказгичлар физикаси бўйича кремний чуқур сатҳлар табиати ҳалигача мукамал ҳал этилмаганлиги кўрсатилган.

А.А.Лебедев, В.И.Фистул, Л.С.Берман, А.Т.Мамадалимов, Х.С.Далиев ва Ш.Б. Утамурадова ишларида кремнийда бир қатор чуқур сатҳлар аниқланиб, уларнинг энергетик параметрлари аниқланган. К.П.Абдурахмановнинг ишларида олинган натижалар асосида тайёр қурилмаларнинг таъсири характеристикаларининг тикланиш вақтини камайтириш мақсадида кремний диффузион диодларидаги нурланиш нуқсонлари спектрини бошқариш усули ишлаб чиқилган. М.К. Баҳадирханов, С.З.Зайнабидиновлар турли чуқур сатҳга эга бўлган киришмаларнинг электрик ва фотоэлектрик хоссаларини ўрганишди ва кремний асосида компенсирланган материалларни амалиётга тадбиқ этиш йўлларни кўрсатишган.

Тажриба ва назарий маълумотларнинг катта миқдорда бўлишига қарамай, ўтувчи элементлар киришмалари билан легирланган кремнийда содир бўлаётган физик ҳодисалар табиати ва уларнинг бошқариб бўлмайдиган технологик киришмалар билан ўзаро таъсирлашуви шу пайтгача ўрганилмаган бўлиб қолмоқда.

Яримўтказгичлар материаллар ва яримўтказгичли асбобларнинг хоссалари ҳақида кўплаб экспериментал маълумотлар бўлишига қарамадан, уларга турли ташқи омиллар: босим, нурланиш ва қуёш нури таъсирида кремний ва унга асосланган структураларда бўлаётган физик жараёнларни олдиндан айтиб беришга имкон берувчи маълумотлар мавжуд эмас.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Яримўтказгичлар ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти тадқиқот лойиҳалари доирасида қуйидаги мавзуда амалга оширилди: ОТ-Ф2-11 рақамли “d-элементлар киришмалари билан легирланган кремнийнинг

сирт қатламларида ва ҳажмида наноўлчамли нуқсонларнинг шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш” (2019-2020 йй.);

Тадқиқотнинг мақсади ностационар сиғимли, фотосиғимли ва инфрақизил спектроскопия усуллари ёрдамида 3d-элементлар билан легирланган кремнийда чуқур сатҳли ва технологик киришмаларнинг ўзаро таъсирлашув жараёнларини комплекс тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: хром, кобальт ва марганец атомлари билан кремнийни легирлаш технологиясини оптималлаштириш ҳамда ҳар хил усулларда легирланган Si намуналарининг электрофизик хоссаларини ўрганиш;

хром, кобальт ва марганец киришмалари ҳосил қилган чуқур сатҳли марказларнинг энергетик спектрини ва уларнинг ҳосил бўлишининг самарадорлигини аниқлаш;

хром, кобальт ва марганец киришмалари билан легирланган кремнийнинг дастлабки нуқсонли тузилиши ҳолатининг чуқур сатҳли марказлар ҳосил бўлишига таъсирини тадқиқ қилиш;

кремнийда термик ва радиациявий нуқсонлар ҳосил бўлиш жараёнларига 3d-элементлар киришмаларининг таъсирини аниқлаш;

хром, кобальт ва марганец киришмалари билан легирланган кремнийда нуқсонлар ҳосил бўлиш жараёнларига электронейтрал киришмалар (нодир ер элементлари)нинг таъсирини ўрганиш.

3d-элементлар киришмалари билан технологик киришмаларнинг (темир, кислород, углерод) ўзаро таъсирлашувини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Чохраль ва тигелсиз зонада эритиш усули билан ўстирилган монокристалли кремний ҳамда 3d-ўтувчи (хром, кобальт, марганец ва темир) ва нодир ер элементлари (гадолиний, гольмий) атомлари билан киритилган Si олинган.

Тадқиқотнинг предмети 3d-элементлар билан легирланган кремнийда чуқур сатҳли ва технологик киришмаларнинг ўзаро таъсирлашув жараёнларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Қўйилган вазифаларни ҳал қилишда чуқур сатҳлар ностационар сиғимли спектроскопия (DLTS), ёруғлик сиғими (ФС) ва инфрақизил ютилиш, нурнинг комбинацион сочилиши (Раман спектроскопияси) усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

3d-элементларининг (хром, кобальт ва марганец) киришмалари билан кремнийни легирлашнинг технологик режимлари оптималлаштирилган;

хром, кобальт ва марганец киришмалари чуқур сатҳларининг ҳосил бўлиш самарадорлиги кремний ҳажмидаги бошқариб бўлмайдиган киришмалар ва нуқсонлар ҳолатига боғлиқлиги аниқланган;

илк бор кремнийда кислород атомларининг мавжудлиги юқори ҳароратли диффузия усулида кремнийга киритилган хром, кобальт ва марганец киришмаларининг чуқур сатҳлари концентрациясини сезиларли даражада камайтириши ва оптик фаол тугунлараро кислород концентрацияси N_0^{opt} эса

3d-элементларининг концентрациясига боғлиқ ҳолда 10÷25% га камайиши аниқланган;

илк бор хром, кобальт ва марганец киришмалари билан легирланган кремнийда кислороднинг бирикма ҳолатлари - SiO_2 ва SiO_4 мавжудлиги чуқур сатҳларнинг ҳосил бўлиши самарадорлигини ўзгаришига ва DLTS спектрларининг трансформациясига олиб келиши аниқланган;

илк бор хром, кобальт ва марганец киришмалари билан легирланган кремнийда бошқариб бўлмайдиган киришма – темир билан таъсирлашуви натижасида $E_c - 0,30$ эВ ионлашиш энергиясига эга янги чуқур сатҳли марказ ҳосил бўлиши аниқланган;

$\text{Si}\langle\text{Ni}\rangle$ намунаси юзасидаги марганец қатлами орқали легирлаш Ni нинг электрфаол атомларининг концентрацияси камайишига олиб келиши ҳамда Si юзасидаги марганец қатлами никель киришмалари учун геттер вазифасини бажариши аниқланган;

илк бор нодир ер элементлари кремний ҳажмида мавжудлиги хром, кобальт ва марганец киришмаларининг чуқур сатҳлари ҳосил бўлиш самарадорлигини ошишига (гадолий 2÷3 марта ва гольмий 3÷4 марта) ҳамда иссиқлик нуқсонлари концентрациясини 4÷5 марта ва ва радиациявий нуқсонлари концентрациясини 3÷4 марта камайишига олиб келиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хром, кобальт ва марганец киришмалари билан легирланган кремнийнинг технологик режимлари ишлаб чиқилган бўлиб, бу иссиқлик нуқсонлари ҳосил бўлиш самарадорлигини 4÷5 марта ва радиациявий нуқсонларини 3÷4 марта камайтиришга ва кремнийнинг параметрларини барқарорлаштиришга олиб келган;

намуналар юзасига ўтқизилган ўтувчи элементлар киришмаларини металл қатламидан диффузия килиш йўли билан кремний ҳажмида тез диффузияланувчи бошқариб бўлмайдиган темир каби киришмаларни геттерлаш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги юқори сезгирлик ва катта ажратиш қобилиятига эга чуқур сатҳлар ностационар сифимли спектроскопия, ёруғлик сифими, инфрақизил ютилиш спектроскопия усулларида фойдаланиш орқали асосланган ва эксперимент тадқиқотлари орқали тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти 3d-элементлари билан легирланган кремнийда содир бўладиган физик жараёнлар тўғрисида тушунчаларни кенгайтиришдан ва яримўтказгичларда чуқур сатҳлар ҳосил бўлиш қонуниятларини аниқлашдан иборат.

Ўтувчи элементлар киришмалари билан легирланган кремнийнинг иссиқлик барқарорлигини ва радиацияга чидамлилигини ошириш бўйича олинган натижалар турли хил яримўтказгичли қурилмаларни ишлаб чиқаришда тавсиялар сифатида фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: 3d-элементлар билан легирланган кремнийда чуқур сатҳли ва технологик киришмаларнинг ўзаро таъсирлашув жараёнларини ҳамда уларга технологик омилларнинг таъсирини комплекс тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

диффузиядан олдин юқори ҳароратли термик ишлов берилган кремнийни легирлаш орқали нуқсонлар структурасини бошқариш имкониятлари, гадолий атомлари мавжуд кремнийга хром атомларини киритилиши натижасида иссиқлик нуқсонларини 4÷5 марта камайтирилиши ва кремнийни технологик, бошқариб бўлмайдиган киришмалардан тозалаш усуллари МДХ Нанотехнология ҳалқаро инновацион марказида Н.Магазов раҳбарлигида 2021 й. бажарилган “Кремнийли яримўтказгичларнинг хусусиятларига радиациянинг таъсири” мавзусидаги лойиҳада қўлланилган (МДХ Нанотехнология ҳалқаро инновацион марказидан 2021 йил 12 августда олинган 010/136-сон маълумотнома). Илмий натижалардан фойдаланиш легирланган кремнийнинг нуқсонли структурасини бошқариш ва кремний ҳажмини ҳар хил бошқариб бўлмайдиган киришмалардан тозалаш имконини берган.

Cr ва Co киришмалари билан кремнийни легирлашнинг оптимал технологик режимлари; Cr ва Co киришмалари кремнийга киритилганда ҳар хил ташқи омиллар таъсирида кремний ҳажмида ҳосил бўладиган термонуқсонлар концентрациясини 3÷4 баровар ва радиациявий нуқсонлари концентрациясини 2÷3 баровар камайтириш усуллари; ҳар хил ташқи омиллар таъсирида кремний ҳажмида ҳосил бўладиган бошқариб бўлмайдиган нуқсонларни (темир каби киришмаларни) 3d-элементлар киришмалари (Cr ва Co) ёрдамида геттерлаш технологияси Қорақалпоқ давлат университетидан 2017-2020 йилларда бажарилган ОТ-Ф-2-77 рақамли “Моделлаштириш асосида ички нуқсонларни ҳисобга олган ҳолда яримўтказгичли асбобларнинг ишончилигини башорат қилишнинг такомиллаштириш усули” мавзусидаги фундаментал лойиҳада қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 24 декабрдаги 3/19-24/12-314-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш яримўтказгичли асбобларнинг ишончилигини ошириш усулини ишлаб чиқишга ва моделлаштириш асосида ички нуқсонларни ҳисобга олган ҳолда яримўтказгичли асбобларнинг барқарорлигини 2-3 баровар оширишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 6 та ҳалқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш, шу жумладан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда 8 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 29 та расм ва 7 та жадвални ўз ичига олган ҳолда 136 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзуси бўйича ҳалқаро илмий-тадқиқотларнинг шарҳи, муаммонинг ўрганилиш даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

“Кремнийда 3d-элементлар киришма атомларининг хусусиятлари ўрганилганлиги ҳолати” деб номланган биринчи бобда адабиётлар таҳлили келтирилган. Бу бобда кремнийдаги 3d-элементлари атомларининг ҳолати бўйича чоп этилган нашрлардаги асосий маълумотлар келтирилган. Кремнийдаги ушбу киришмалар ҳосил қиладиган чуқур сатҳларнинг ҳолатлари бўйича таҳлиллар келтирилган. Турли муаллифлар томонидан аниқланган хром, темир, кобальт ва марганец атомлари ҳосил қилган чуқур сатҳлар яхлит тизимга солинган. Асосий йўналиш сифатида, d-қобиғи тўлдирилмаган кремнийдаги киришмаларнинг ҳолати тўғрисида олиб борилган тадқиқотлар ёзилган, бундан ташқари уларнинг бошқа киришмалар билан ўзаро таъсирини ўрганиш бўйича маълумотлар келтирилган. Илмий ишлар таҳлилига кўра, турли элемент атомлари билан легирланган кремнийнинг хоссалари ва кремнийдаги технологик киришмаларнинг таъсири ва нуқсонлар, кислород ва углероднинг ўтувчи элементлари билан легирланган кремнийнинг электрофизик хоссаларига таъсири ҳақида маълумотлар келтирилган.

Хулосаларга асосан диссертация тадқиқотининг вазифалари ишлаб чиқилган.

“Тадқиқот усуллари ва намуналарни тайёрлаш технологияси” деб номланган иккинчи бобда диод структураларини тайёрлаш ва термик ишлов бериш технологияси тўлиқ ёритилган. Кремнийни ўтувчи элемент киришмалари билан легирлаш технологияси хусусиятлари батафсил тавсифланган.


Ушбу бобда кремнийдаги чуқур сатҳларнинг сиғимли спектроскопияси асосий принциплари баён қилинган. t_1 ва t_2 вақт оралиғида сиғимли сигналлар фарқи ўзгаришига асосланган DLTS нинг классик услуби асослари тасвирланган. Бир марта сканерлаш йўли орқали олинган DLTS спектрларини ҳисоблаш ва ўлчаш усули баён қилинган. Ёруғлик сиғимининг назарий асослари келтирилган.

Кремнийдаги углерод ва кислород концентрациясини аниқлаш учун 1200 дан 400 см^{-1} гача ИҚ-спектри соҳасида икки нурли схемада ишловчи SPECORD-75-IR инфрақизил спектрофотометр ёрдамида ИҚ-ютилиш спектрини ўлчаш услуби баён қилинган.

Нурнинг комбинацион сочилиши асосидаги ўлчаш асослари берилган.

“Кремнийда нуқсонлар ҳосил бўлиш жараёнларига 3d-элементлар атомларининг таъсири” деб номланган учинчи бобда ўтувчи элементлар - хром, кобальт, темир ва марганец билан легирланган кремнийда нуқсонли марказларни ўрганиш натижалари келтирилган, кремнийнинг таъқиқланган зонасида ушбу киришмалар ҳосил қилган энергетик сатҳлар аниқланган ва кремнийда ўтувчи элементлар киришмалари ҳосил қилган чуқур сатҳлар энергетик спектрлари сиғимли спектроскопия (DLTS ва ЁС) усулида идентификация қилинган.

Кремнийга хром ва темир атомларини бир вақтнинг ўзида киритилиши Cr ва Fe атомларига тегишли $E_c - 0,41$ эВ, $E_c - 0,51$ эВ (Cr) ва $E_v + 0,41$ эВ (Fe) чуқур сатҳлар концентрацияларининг камайишига олиб келиши ва $E_c - 0,30$ эВ ли ионлашиш энегиясига эга бўлган янги сатҳ ҳосил бўлиши тадқиқ этилган (1-расм).




1-расм. Si (1), Si<Cr> (2), Si<Fe> (3) ва Si<Cr, Fe> (4, 5) намуналарининг DLTS спектрлари

n-Si<Cr> (1-расм, 2-чизик) спектрларини ҳисоблаш натижасида, хром атомларини кремнийга диффузия йўли билан киритилиши натижасида таъқиқланган зонанинг юқори қисмида $E_c - 0,20$ эВ, $E_c - 0,41$ эВ ва $E_c - 0,51$ эВ ионлашиш энергиясига эга бўлган учта чуқур сатҳ ҳосил қилиши ўрганилган. Бу сатҳлардан фақатгина иккита чуқур сатҳ хром атомларига тегишли ҳисобланади.

Cr ва Fe атомларини Si га бир вақтнинг ўзида ёки кетма-кет киритилиши хром ва темир атомлари билан боғлиқ чуқур сатҳлар концентрациясини сезиларли камайтиради (1-расм, 4- ва 5-чизиклар).

900÷1200 °C оралиғида юқори ҳароратли ишлов берилиб, тез совутилган Si<Cr> намуналарида $E_c - 0,30$ эВ ли ионлашиш энергиясига эга бўлган, термик ностабил чуқур сатҳ ҳосил бўлиши ва бунинг натижасида хром концентрациялари синхрон ўзгариши аниқланган.

Si<Cr> ва Si<Cr,Fe> намуналарининг фотосиғим спектрларида ҳам худди шундай жараён содир бўлган (2-расм).




2-расм. Si<Cr>(1,2) ва Si<Cr,Fe> (3,4) намуналарининг фотосиғим ва индуцирланган фотосиғим спектрлари

Хром ва темир билан легирланган Si намуналарининг ИҚ-ютилиш спектрлари ҳам тадқиқ этилган.


3-расмда Si (1), Si<Fe> (2), Si<Cr> (3) ва Si<Cr,Fe> (4) намуналарининг ИҚ-ютилиш спектрлари келтирилган. Кремнийдаги оптик фаол кислород нинг концентрацияси N_O^{opt} хром ва темир атомларининг кремнийга диффузия қилиш ҳароратига боғлиқ равишда 10–25 % камайганлигини кўришимиз мумкин.

ИҚ ютилиш спектрларини ўлчашдан кўринадики, Si панжарасига диффузия усулида киритилган Cr атомлари (3-расм, 2-чизик) темир атомларига нисбатан кучлироқ оптик фаол кислород миқдорини камайтириши аниқланган. Si даги ИҚ-ютилиш спектрларини таҳлили шуни кўрсатадики, бир вақтда легирланган хром ва темир атомлари янада кўпроқ оптик фаол кислород миқдорини N_O^{opt} камайтиради.



3-расм. Si (1), Si<Fe> (2), Si<Cr> (3), ва Si<Cr, Fe> (4) намуналарининг ИҚ-ютилиш спектрлари

n-Si намунасига Co атомларини диффузия йўли билан киритилгандан сўнг (4-расм, 1-чизик), $E_c - 0,20$ эВ (А чўққи), $E_c - 0,33$ эВ (В чўққи), $E_c - 0,45$ эВ (С чўққи) ва $E_c - 0,54$ эВ (D чўққи) га тенг ионлашиш энергияли ва мос равишда $\sigma_n = 4 \cdot 10^{-17}$ см², $\sigma_n = 2 \cdot 10^{-15}$ см², $\sigma_n = 1,1 \cdot 10^{-15}$ см² ва $\sigma_n = 1,5 \cdot 10^{-15}$ см² ли заряд ташувчиларни қамраб олиш юзасига эга бўлган чуқур сатхлар ҳосил қилиши аниқланган.




4-расм. ЮХИ берилган n-Si<Co> намуналарининг DLTS спектрлари. $T_{\text{юхи}}$, °C: 1-1100, 2-1200, 3- сирт юзаси яхши тозаланмаган, 4 – назорат остидаги n-Si

p-Si<Co> намуналарида таъқиқланган зонанинг пастки ярим соҳасида $E_v+0,32$ эВ ли ва $\sigma_p=2\cdot 10^{-16}$ см² га тенг заряд ташувчиларни қамраб олиш юзасига эга бўлган қўшимча чуқур сатҳ ҳосил бўлиши аниқланган.

Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, n-Si<Co> намунасидаги $E_c-0,33$ эВ, $E_c-0,45$ эВ ва $E_c-0,54$ эВ ли ва p-Si<Co> намунасида $E_v+0,32$ эВ ли чуқур сатҳлар пайдо бўлиши самарадорлиги кислород билан боғлиқ бўлади. Тадқиқ этилаётган намуналарда SiO₂ зарраларининг мавжудлиги Co атомларига тегишли чуқур сатҳлар концентрациясининг ортишига (4-расм, 2-чизик) ва SiO₄ нинг мавжудлиги чуқур сатҳлар концентрациясини камайишига олиб келиши аниқланган (4-расм, 3-чизик).


n-Si<Co> (5-расм, 1-чизик) ва диффузия олди иссиқлик ишлови берилган n-Si<Co> (5-расм, 2,3-чизик) намуналарининг фотосиғимли спектрларида ҳам шундай ҳолат содир бўлган.



5-расм. n-Si<Co> (1) ва диффузия олди иссиқлик ишлови берилган n-Si<Co> (1100⁰C-2-чизик, 1200⁰C-3-чизик) намуналарининг фотосиғим спектрлари

6-расмда Mn қатлами билан қайта иссиқлик ишлови берилган кремний намунасидаги Ni атомларининг тақсимооти келтирилган.

Mn қатламли иккинчи гуруҳ намуналарда иссиқлик ишловидан кейин Ni концентрацияси $2,5\cdot 10^{18}$ см⁻³ гача ортиб кетди, лекин ушбу гуруҳ назорат намуналарининг сиртида иссиқлик ишловидан кейин Ni концентрацияси унчалик кўп миқдорда ортмаганини кўришимиз мумкин.




6-расм. 1200 °C да диффузиядан сўнг Ni нинг кремнийдаги концентрация тақсимооти (1) ва аввалдан Mn билан легирланган Si<Mn, Ni> намунаси (2)


Mn қатламга эга иккала гуруҳ наъмуналарнинг хажмидаги умумий концентрация даражаси иссиқлик ишлови сабаб сезиларли ($2 \cdot 10^{17}$ дан $3 \cdot 10^{16}$ cm^{-3} гача) камайганини, назорат наъмуналарида эса Ni умумий концентрация даражаси 2 марта камайганини кўришимиз мумкин.

Бу бобда n-Si монокристалл кремний (назорат) ва хром билан легирланган кремнийнинг нурнинг комбинацион сочилиш механизмига асосланган спектрлари ва намуналар юзаларининг микрофотографиялари келтирилган.

Нурнинг комбинацион сочилиш механизми асосида олинган спектрлар чўққиларнинг шакли ва жойлашувига асосан нанокристалларнинг ўлчамлари, аморф ва кристалл фазалар билан таъсирлашуви ҳамда кристалл тузилишини белгилаб беради.



а




б)


7-расм. Монокристалл кремний юзасининг микрофотографияси. а – назорат намунаси (n-Si), б – хром билан легирланган кремний (n-Si<Cr>)

7-расмда n-Si кремний монокристаллининг Cr билан легирлашдан олдинги ва кейинги микрофотографиялари келтирилган. Иккала ҳолатда ҳам намуна юзасининг морфологияси бир хил. Кремнийни хром билан легирланиши унинг юзасидаги нанозарралар миқдори ва зичлигининг ошганини кўриш мумкин.

8-расмда Si ва Cr билан легирланган Si намуналарининг CARS Raman Spectrometer қурилмаси ёрдамида олинган экспериментал спектрлари келтирилган. 8а-расмда келтирилган нурнинг комбинацион сочилиши спектрларида 522 см^{-1} да юқори интенсивликка эга бўлган кремнийни характерловчи чўққи ҳосил бўлган.



а – назорат намунаси (n-Si)



б – хром билан легирланган кремний (n-Si<Cr>)

8-расм. Монокристалл кремнийда нурнинг комбинацион сочилиш спектрлари

n-Si намунасининг олинган спектрларида (8-расм, а) 301 см^{-1} да тебраниш мавжуд. Бундан ташқари, ба-расмда $935\text{--}985\text{ см}^{-1}$ да кенгрок чўкқилар ҳосил бўлган. Бу тебранишлар бир нечта кўндаланг оптик фонларнинг (2ТО) сочилиши ва уларнинг обертон ҳолатда эканлиги билан изоҳланади.


8б-расмдан маълумки, n-Si ни кейинчалик хром билан легирланиши унинг нурнинг комбинацион сочилиш спектрларини сезиларли ўзгартирди. Олинган спектрларда 308 , 398 , 521 и 795 см^{-1} да чўкқилар мавжудлиги аниқланди. 521 см^{-1} даги чўкқи Si билан боғлиқ.

301 см^{-1} даги кремнийга тегишли чўкқидан юқорирак 308 см^{-1} даги чўкқи кремнийнинг боғланишлари ҳисобланади. n-Si<Cr> намунасида аниқланган 308 и 398 см^{-1} тўлқин сонида ҳосил бўлган чўкқилар CrSi₂ га тегишли эканлиги аниқланди. 795 см^{-1} даги чўкқи SiO₂ билан боғлиқ эканлиги маълум бўлди.

Тадқиқот натижаларига кўра, хром атомлари билан легирланган монокристалл кремний намуналари Раман спектрлари уларнинг таркибий тузилишини ва нуқсонлар миқдорини, шунингдек кристаллардаги бошқарилиб бўлмайдиган технологик киришмалар ва кислород мавжудлигини баҳолаш учун бир восита сифатида фойдаланиш мумкин деган хулоса қилиш мумкин.

«Кремнийда 3d-элементларининг нодир ер элементлари билан ўзаро таъсирлашуви» деб номланган тўртинчи бобда 3d-элементларининг гольмий ва гадолий нодир ер элементлари билан ўзаро таъсирлашуви жараёнлари ўрганилган.

Si<Ho> намунасининг DLTS спектрлари кўрсатадики, нейтрон-активацион анализ усули орқали аниқланган Ho атомларининг концентрацияси $6 \cdot 10^{17}\text{ см}^{-3}$ га тенг бўлишига қарамай, Si да ҳеч қандай сезиларли концентрацияга эга бўлган чуқур сатҳ ҳосил қилмайди.



9-расм. n-Si<Cr> (1), n-Si<Ho, Cr> (2) ва n-Si (3) намуналарининг DLTS спектрлари

Хром атомлари киритилган n-Si<Ho> намунасининг DLTS спектрларига кўра, кремний панжарасида Ho атомларининг мавжудлиги дефектлар ҳосил бўлиш жараёнига катта таъсир кўрсатади: Ho атомларининг мавжудлиги Cr атомлари билан боғлиқ чуқур сатҳлар концентрациясини ортишига сабаб бўлади (9-расм, 2-чизиқ, B ва C чўққилар).


n-Si<Ho, Cr> намунасида гольмий киришмалари мавжудлиги n-Si<Cr> намунасига нисбатан иссиқлик нуқсонларининг ҳосил бўлиш эффективлигини янада камайтиради (9-расм, 2-чизиқ, A чўққи).

n-Si<Ho> ва n-Si<Ho, Cr> намуналарининг DLTS спектрларининг таҳлилига кўра, n-Si<Ho, Cr> намунасидаги Cr га тегишли $E_C - 0.41$ эВ ва $E_C - 0.51$ эВ ли чуқур сатҳлар концентрацияси n-Si<Ho> намунасидаги чуқур сатҳлар концентрациясига нисбатан 3-4 марта ортиқ эканлигини кўришимиз мумкин.

Кремнийдаги хром атомларига боғлиқ чуқур марказлар концентрациясининг ортиши аниқланганлиги, кремнийга юқори концентрацияли Ho атомларини киритилиши натижасида кремний панжарасидаги турли нуқсонлар ўрнини эгаллашлиги билан изоҳланади.

Кремний панжарасида гольмий атомларининг мавжудлиги иссиқлик нуқсонларининг ҳосил бўлишига тўсқинлик қилади. Иссиқлик ишлов берилиши натижасида ионлашиш энергияси $E_C - 0.20$ эВ га тенг бўлган чуқур марказ ҳосил бўлишининг самарадорлиги n-Si намунасига нисбатан n-Si<Ho> намуналарида анча паст эканлиги аниқланди.

Шундай қилиб, гольмий атомлари кремнийда электр активлигини намоён қилмасдан хром билан боғлиқ чуқур марказларни ҳосил бўлиш самарадорлигини ошириши ва бу марказларнинг хоссаларини барқарорлаштириши аниқланди.



10-расм. n-Si<Cr> (1), n-Si<Gd, Cr> (2, секин совитилган), n-Si<Gd, Cr> (3, тез совутилган) ва n-Si (4, назорат) намуналарининг DLTS спектрлари

Si<Gd,Cr> намунасида гадолиний атомларининг мавжудлиги, хром атомларини киритилгандан сўнг тез совитилганда Cr билан боғлиқ $E_C - 0.41$ эВ,


$E_c - 0.51$ эВ ли чуқур сатҳлар концентрациясининг Si<Cr> намунасига нисбатан 2-3 марта ортишига сабаб бўлиши аниқланган. (10-расм, 2-чизик).

n-Si<Gd, Cr> намунасида қолган сатҳлар концентрациясида сезиларли ўзгаришлар кузатилмаган.

Со билан легирланган Si намуналарида энергетик спектрлар ҳосил бўлишига Gd атомларининг таъсири DLTS усули ёрдамида тадқиқ этилган.

Кобальт билан легирланган n-типли кремнийнинг сиғимли спектроскопия усули ёрдамида олинган спектрларига кўра, кобальт атомлари кремнийда $E_c - 0.20$ эВ, $E_c - 0.33$ эВ, $E_c - 0.45$ эВ ва $E_c - 0.54$ эВ ионлашиш энергияси ва мос равишда $\sigma_n = 4 \cdot 10^{-17}$ см², $\sigma_n = 2 \cdot 10^{-15}$ см², $\sigma_n = 1.1 \cdot 10^{-15}$ см² ва $\sigma_n = 1.5 \cdot 10^{-15}$ см² га тенг заряд ташувчиларнинг қамраб олиш юзасига эга бўлган тўртта чуқур сатҳ ҳосил қилиши аниқланди. (11-расм, 1-чизик).

p-Si<Co> намунасида таъқиқланган зонанинг пастки ярим соҳасида $E_v + 0.32$ эВ ли $\sigma_p = 2 \cdot 10^{-16}$ см² га тенг заряд ташувчилар қамраб олиш юзасига эга бўлган яна бир сатҳ ҳосил қилди. (11-расм, 3-чизик).



11-расм. n-Si<Co>(1), n-Si<Gd,Co> (2), p-Si<Co> (3), p-Si< Gd,Co> (4) ва назорат (5) намуналарининг DLTS спектрлари

Ўстириш пайтида киритилган Gd атомлари Со атомлари диффузия йўли билан киритилган n- ва p-Si типли кремний DLTS спектрларининг трансформация бўлишига олиб келиши ўрганилди ва Со атомлари билан боғлиқ чуқур сатҳлар ҳосил бўлиш самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланди. (11-расм, 2,4-чизиклар).

Олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, $n\text{-Si}\langle\text{Co}\rangle$ и $n\text{-Si}\langle\text{Gd,Co}\rangle$ намуналарида кобальт ва гадолиний атомлари концентрацияларининг ортиши иссиқлик нуқсонлари сатҳи концентрацияси миқдорини кескин камайишига сабаб бўлади. Co ва Gd атомлари $n\text{-Si}\langle\text{Gd, Co}\rangle$ намунасида иссиқлик нуқсонларининг ҳосил бўлишига тўсқинлик қилишини хулоса қилиш мумкин.

ХУЛОСА

3d-элементлар билан легирланган кремнийда чуқур сатҳли ва технологик киришмаларнинг ўзаро таъсирлашув жараёнларини комплекс усуллар ёрдамида тадқиқ қилиш орқали қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Хром, кобальт ва марганец киришмалари билан кремнийни легирлашнинг технологик режимлари оптималлаштирилган.
2. Илк бор хром, кобальт ва марганец киришмалари чуқур сатҳларининг ҳосил бўлиш самарадорлиги кремний ҳажмидаги бошқариб бўлмайдиган киришмалар ва нуқсонлар ҳолатига боғлиқлиги аниқланган.
3. Илк бор кремнийда кислород атомларининг мавжудлиги юқори ҳароратли диффузия усулида кремнийга киритилган хром, кобальт ва марганец киришмаларининг чуқур сатҳлари концентрациясини сезиларли даражада камайтириши ва оптик фаол тугунлараро кислород концентрацияси $N_0^{\text{опт}}$ эса 3d-элементларининг концентрациясига боғлиқ ҳолда 10÷25% га камайиши аниқланган.
4. Илк бор 1100°C ли юқори ҳароратли ишлов бериш натижасида оптик фаол кислород миқдори ($N_0^{\text{опт}}$) ни 45÷50% гача камайтирилишга эришилди. $n\text{-Si}\langle\text{Co}\rangle$ да SiO_2 ҳосил бўлиши натижасида Co атомлари ҳосил қилган чуқур сатҳлар концентрациясининг ортиши ва SiO_4 зарралари эса чуқур сатҳлар концентрациясини камайишига сабаб бўлишлиги аниқланган.
5. Илк бор хром, кобальт ва марганец киришмалари билан легирланган кремнийда бошқариб бўлмайдиган киришма – темир билан таъсирлашуви натижасида $E_C - 0,30$ эВ ионлашиш энергиясига эга янги чуқур сатҳли марказ ҳосил бўлиши аниқланган.
6. $\text{Si}\langle\text{Ni}\rangle$ намунаси юзасидаги марганец қатлами орқали легирлаш Ni нинг электрфаол атомларининг концентрацияси камайишига олиб келиши ҳамда Si юзасидаги марганец қатлами никель киришмалари учун геттер вазифасини бажариши аниқланган.
7. Илк бор гадолиний ва гольмий (нодир ер элементлари) кремний ҳажмида мавжудлиги хром, кобальт ва марганец киришмаларини чуқур сатҳларининг ҳосил бўлиш самарадорлигини ошишига олиб келиши (гадолиний 2÷3 марта ва гольмий 3÷4 марта) ҳамда иссиқлик нуқсонларини концентрациясини 4÷5 марта ва ва радиациявий нуқсонлари концентрациясини 3÷4 марта камайиши аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.FM/T.01.12 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ ФИЗИКИ ПОЛУПРОВОДНИКОВ И
МИКРОЭЛЕКТРОНИКИ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ФИЗИКИ
ПОЛУПРОВОДНИКОВ И МИКРОЭЛЕКТРОНИКИ ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

ФАЙЗУЛЛАЕВ КАХРАМОН МАХМУДЖАНОВИЧ

**ПРОЦЕССЫ МЕЖПРИМЕСНОГО ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ В
КРЕМНИИ С ПРИМЕСЯМИ 3d-ЭЛЕМЕНТОВ**

01.04.10 – физика полупроводников

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2022

Тема диссертации доктора философии наук (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.2.PhD/FM382.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте физики полупроводников и микроэлектроники при Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (ispm.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Утамурадова Шарифа Бекмурадовна
доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты: Дадамирзаев Мухаммаджон Гуломкодилович
доктор физико-математических наук, доцент
Камалов Амангельди Базарбаевич
доктор физико-математических наук, доцент

Ведущая организация: Ферганский государственный университет

Защита диссертации состоится «4» 03 2022 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.FM/T.01.12 при Научно-исследовательском институте физики полупроводников и микроэлектроники Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека по адресу: 100057, г.Ташкент, ул. Янги Олмазор, дом 20. Тел: (+99895)146-77-44, факс: (99871) 246-19-76,, e-mail:info@ispm.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в отделе внедрения цифровых образовательных технологий института (зарегистрирована за №34), по адресу: 100057, г.Ташкент, ул. Янги Олмазор, дом 20. Тел: (+99895)146-77-44, факс: (99871) 246-19-76.

Автореферат диссертации разослан «22» 02 2022 года.
(реестр протокола рассылки 34 от «22» 02 2022 года).



З.Т.Азаматов
председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., профессор

Ж.Ж.Хамдамов
заместитель секретаря Научного совета
по присуждению ученых степеней,
PhD

Х.К. Арипов
заместитель председателя научного семинара
при Научном совете по присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире высокие темпы развития научно-технического прогресса в последние годы в основном обеспечиваются достижениями исследований в области полупроводниковой электроники, что определяет дальнейшее направление исследований – повышение качества полупроводниковых материалов, разработка технологий создания монокристаллов с управляемыми электрофизическими свойствами и определение характера влияния различных внешних воздействий на эксплуатационные параметры этих материалов и изделий на их основе.

Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-5032 от 19 марта 2021 года «О мерах по повышению качества образования и совершенствованию научных исследований в области физики» гласит: обеспечение неразрывной связи научных исследований в области физики с производством, расширение масштаба научных работ, направленных на решение проблем в отраслях экономики; повышение результативности и практического значения научных исследований и инновационной деятельности...»¹. Создание нового типа высокочувствительных полупроводниковых материалов для развития микроэлектроники в этой области имеет большое научное значение.

В настоящее время установлено, что многие важнейшие свойства полупроводниковых материалов и приборов определяются присутствием в них примесных атомов с глубокими уровнями. Изучено поведение многих примесных элементов в монокристаллическом кремнии – основном материале современной полупроводниковой электроники. Однако, несмотря на то, что накоплен достаточно большой объём экспериментальных данных по исследованию поведения примесей переходных металлов в кремнии, попытки создания единой модели состояния примесных атомов в кристаллической решётке кремния не имели успеха, хотя имеются отдельные фрагменты такой модели, которые качественно правильно описывают экспериментальные результаты. В этом отношении наиболее полно изученным является поведение 3d-переходных металлов в кремнии, за исключением, малоизученных атомов хрома (Cr) и кобальта (Co) в кремнии. Исследование поведения Cr и Co дает возможность определения механизмов миграции примесей 3d-переходных металлов в кристаллической решётке и управления параметрами кристаллов и приборов на их основе.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлении Президента Республики Узбекистан «О мерах по повышению качества образования и совершенствованию научных исследований в области физики» от 19 марта 2021 года № ПП-5032 и Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по развитию альтернативной энергетики,

¹ Постановление Республики Узбекистан № ПП-5032 от 19 марта 2021 года «О мерах по повышению качества образования и совершенствованию научных исследований в области физики».

электротехники и микроэлектроники, государственной поддержке повышения эффективности исследований в области физики полупроводников, а также о мерах по укреплению Научно-исследовательского института физики полупроводников и микроэлектроники при Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека» от 12 октября 2021 года № 639, Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947, а также в других нормативно-правовых актах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Настоящая работа выполнена в соответствии с Приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан: Ф2 «Физика, астрономия, энергетика и машиностроение» и ППИ-3 «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение, транспорт, машино- и приборостроение, развитие современной электроники, микроэлектроники, фотоники и электронного приборостроения».

Степень изученности проблемы. Анализ результатов исследований, проводимых за рубежом известными учёными в области физики полупроводников и полупроводниковой нано- и микроэлектроники (А.А.Лебедев, В.И.Фистул, E.R. Weber, K. Graff, H. H. Woodbury, W. Ammon, C. Claeys, C.K. Estreicher, H. Pieper, H. Nakashima) показывают, что экспериментальные исследования электрофизических, оптических, люминесцентных и других свойств полупроводников с различными глубокими уровнями, среди которых особое место занимают примеси 3d-элементов в Si, сегодня позволяют строить определенные общие модели глубоких центров, но эти модели еще не совершенны.

В работах А.А.Лебедева, В.И.Фистуля, Л.С.Бермана, А.Т.Мамадалимова, Х.С.Далиева и Ш.Б. Утамурадовой проведена идентификация целого ряда глубоких уровней в кремнии и определены их энергетические параметры. В работах К.П. Абдурахманова на основе полученных результатов разработан способ управления спектром радиационных дефектов в кремниевых диффузионных диодах с целью понижения времени восстановления обратных характеристик готовых приборов. М. К. Бахадырхановым, С.З. Зайнабидиновым была показана возможность улучшения параметров полупроводниковых структур на основе компенсированного кремния путем введения различных глубоководуровневых примесей.

Несмотря на огромное количество экспериментальных и теоретических данных, природа физических явлений, происходящих в кремнии, специально легированном примесями переходных элементов и их взаимодействие с неконтролируемыми технологическими примесями остаются до сих пор неизученными.

Несмотря на большое число экспериментальных данных по изучению свойств полупроводников и полупроводниковых структур до настоящего времени отсутствует картина, позволяющая прогнозировать поведение

кремния и структур на его основе при воздействии различных внешних факторов: давления, радиации и солнечного света.

Связь диссертационной работы с тематическими планами НИР. Диссертационное исследование выполнено в рамках проектов научных исследований Национального университета Узбекистана и Научно-исследовательского института физики полупроводников и микроэлектроники при Национальном университете Узбекистана по темам: ОТ-Ф2-11 «Исследование закономерностей формирования наноразмерных дефектов в приповерхностных слоях и объеме кремния с примесями d-элементов» (01.07.07–31.12.20 гг.).

Целью исследования является комплексное исследование процессов взаимодействия примесей, создающих глубокие уровни с технологическими примесями в кремнии, легированном 3d-элементами с помощью нестационарной емкостной спектроскопии, фотоемкостной и инфракрасной спектроскопии.

Задачи исследования: оптимизировать технологию легирования кремния примесями хрома, кобальта и марганца и изучить электрофизические свойства образцов Si, легированных разными методами этими примесями;

определить энергетический спектр центров с глубокими уровнями, создаваемых примесями хрома, кобальта и марганца и изучить эффективность их образования;

исследовать влияние исходной дефектности структуры кремния на процессы образования дефектных центров в кремнии, легированном примесями хрома, кобальта и марганца;

